

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 7 июнь, № 110 (5784) Жума


# «УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш "Универсиада — 2013" ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз "Универсиада" қатнашчилари!

Сизларнинг "Кичик Олимпиада" деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги "Универсиада" финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

"Универсиада" ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган "Универсиада" беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун, аввало, жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси, авваламбор, сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун — ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!" деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан "Универсиада" мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, "Универсиада — 2013" беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




# Ёшлик, гўзаллик ва баркамоллик байрами

*Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада — 2013" спорт ўйинлари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Азим Бухорода спорт ва ёшлик байрами руҳияти ҳукмрон. Чунки бу ерда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва ҳар гал ёшларимиз интиқ кутадиган Универсиада мусобақалари бошланди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўз кучи ва қудратига ишонган, меҳнати ва юксак интеллектуал салоҳияти билан ўз келажагини барпо этишга қодир давлат ва жамиятнигина дунё тан олади ва ҳурмат қилади. Бу мақсадга эришишда ҳар томонлама баркамол авлод ҳал қилувчи куч саналади.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиада спорт ўйинлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми сифатида алоҳида аҳамият касб этаётир. Мазкур беллашувлар жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, фарзандларимизни она-Ватанни севадиган, тинчлигимизни кўз қорачиғидек асрайдиган, шукроналик ҳисси билан яшайдиган, юрт қудратига қудрат қўшадиган, жаҳон ареналарида Ўзбекистон номининг мағрур жаранглашига ҳисса қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Талаба-ёшларнинг ушбу анъанавий спорт байрамига Бухоро вилояти иккинчи бор мезбонлик қилаётир. Бухороликлар навбатдаги Универсиадага тайёргарлик жараёнида тўпланган бой тажрибага таяндилар, спорт ўйинларининг чинакам байрамга айланиши йўлида уюшқоқлик билан ҳаракат қилдилар. Мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган барча иншоотлар замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқарилди. Янги спорт иншоотлари барпо этилди. Мавжуд инфратузилма янада такомиллаштирилди. Хусусан, сузиш мусобақалари ўтказиладиган "Семурғ", кураш, дзюдо беллашувлари ташкил этиладиган "Ҳумо", теннис баҳсларини қабул қиладиган "Дилкушо" мажмуалари, қўл тўпи бўйича учрашувлар ташкил қилинадиган Бухоро олимпия захиралари спорт коллежига боқиб, мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида кўлами жиҳатдан улкан ишлар изчиллик билан давом эттирилаётганини англаш қийин эмас.

**(Давоми 2-бетда).**

# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши таклиф этган кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатасининг мажлиси ҳамда ундан олдин ўтказилган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун талаблари ҳамда яқинда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида ташкил этилди.

Бу, биринчи навбатда, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўз йиғилишларида қонун лойиҳасининг дастлабки тарздаги ҳар томонлама муҳокамалари якунлари бўйича фикр-мулоҳазалари ва таклифларини масъул қўмитага тақдим этганлигига тааллуқлидир. Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқиш чоғида маърузачилар тегишли қонун лойиҳалари юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этдилар. Бунда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита томонидан маъқулланган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ҳам, маъқулланмаганлари ҳам муҳокама қилинганлигини қайд этиш муҳимдир.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар корпусининг алоҳида эътиборини тортди. Бу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораларини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқдир.

**(Давоми 2-бетда).**

## БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтида Ўзбекистоннинг бой маданияти ва ранг-баранг санъатига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

# Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланди

Мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз тарихи, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ амалий санъати, ўзбек миллий мусиқаси ва рақслари ҳақидаги маълумотлар тақдимот қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон заминидаги кўҳна шаҳарлар ва бутун дунёга машҳур меъморий ёдгорликлар, халқимизнинг урф-одат ҳамда анъаналари, ўтмиши ва замонавий тарихига оид маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Ҳамюртларимиз — Осиё чемпионати ғолиби

*Бадиий гимнастика бўйича Тошкентда давом этаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятга эришди.*

## ХУШХАБАР



Хусусан, қизларимиз жамоавий баҳсларда олтин медалга сазовор бўлдилар. Икки кун давом этган беллашувларда терма жамоамиз аъзолари — Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева ва Валерия Давидова ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарган композициялари учун ана шундай совринга лойиқ кўрилди.

Жамоавий беллашувлар якунида Жанубий Корея терма жамоаси кумуш, хитойлик спортчи қизлар бронза медалини қўлга киритди.

Осиё чемпионатининг гуруҳ беллашувларида қатнашаётган Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Ольга Кирьякова, Марта Растобурова, Екатерина Бухенко ва Дарья Свечниковадан иборат гуруҳимиз булава, тўп ва тасмада машқлар бажариш бўйича бронза медали билан тақдирланди.

Ушбу йўналишда хитойлик бадиий гимнастикачилар олтин, японияликлар эса кумуш медалга эгалик қилдилар.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

**2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда аҳоли бандлиги 2,5 фоиз ўсди.**

Иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида меҳнат бозорида фаол чора-тадбирлар кўрилгани натижасида ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

# Ёшлик, гўзаллик ва баркамоллик байрами

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).




Бу фикрларимиз исботини Универсиада муносабати билан вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик техника институтида 1 миллиард 400 миллион сўм маблағ эвазига янги спорт зали қурилди. Бу ерда баскетбол мусобақалари ўтказилади. Бухоро давлат университети жойлашган ҳудудда эса футбол майдони, волейбол, қўл тўпи, минифутбол майдончалари, шахмат баҳслари ўтказишга мўлжалланган кичик зал ҳамда янги спорт залидан иборат мажмуа қад ростлади. Стол тенниси бўйича баҳслар бўлиб ўтадиган Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи биносининг қиёфаси янада кўркамлашди. Айниқса, “Универсиада — 2002” мусобақалари ўтказилиши муносабати билан тубдан реконструкция қилинган ва Марказий Осиёнинг энг гўзал спорт ареналаридан бири сифатида эътироф этилган “Бухоро” спорт мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари эътиборга молик. Йигирма минг нафардан зиёд томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган ушбу иншоотда амалга оширилган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари учун 9 миллиард 171 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Натижада нафақат унинг қиёфаси ўзгарди, балки инфратузилмаси янада такомиллашди.

Универсиада шарофати билан вилоят маркази ҳамда туманларда кенг кўламли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, Бухоро, Когон шаҳарларининг кўча ва хиёбонлари обод этилди. Маданий-маиший объектлар таъмирланди. Хуллас, қай бир гўшага қараманг, янгиланишларни кўрасиз. “Универсиада — 2013”га чорловчи шиор ва баннерлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи паннолар, тунги ранг-баранг чироқлар, фавворалар — буларнинг барчаси Бухоро кўчаларига ўзгача файз ва кўрк бағишлаб турибди.

— Бухоро ўтмиш билан замонавийлик уйғунлашган гўзал шаҳар сифатида бир умр ёдимда қолади, — дейди германиялик сайёҳ Сузанна Гойтце. — Мана, бир ҳафтадирки, бу кўҳна ва навқирон кентдамиз. Халқингизнинг меҳмондўстлигига қойил қолдик. Ўзбекистонлик ёшларнинг билимга чанқоқлиги, спортга меҳри эътиборимизни тортди. Бундай шижоатли авлодга эга мамлакатнинг келажаги, албатта, буюк бўлади. Сафаримиз Универсиада мусобақалари кунларига тўғри келганидан роса қувондик. Дўстлик, тотувлик, гўзаллик айёмига айланган ушбу беллашувларнинг иштирокчиларига омад тилайман.

— Шуни ишонч билан айта оламанки, бир неча ой олдин Бухорода бўлган одам шу кунларда шаҳримизга яна келса, ҳайратдан ёқа ушлаши аниқ, — дейди Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи отахон Ҳожиқурбон Ҳайитов. — Чунки Универсиада муносабати билан шаҳримизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Юртбошимиз ташаббуслари билан қад ростлаган бири-биридан кўркам замонавий спорт иншоотлари мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир яққол намунасидир. Бу мажмуаларда маҳалламизнинг, юртимизнинг ўғил-қизлари спорт билан шуғулланиб, соғлом камолга етадилар. Ва бундай юксак эътиборга жавобан улар спортда Ўзбекистон довруғига довруқ қўшадиган муваффақиятларга эришадилар.

Дарҳақиқат, шундай. Спорт аллақачон ўғил-қизларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда. Жамғарма томонидан ўн йилда 1113 болалар спорти объекти қурилди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Таъкидлаш жоизки, Универсиада мусобақалари ёшларимизнинг жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, бугун нуфузли мусобақаларда кўп бора юқори натижаларни қўлга киритган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимиз катта спортга Универсиада мусобақалари орқали кириб келишган. Табиийки, улар эришаётган муваффақиятлар навқирон авлоднинг спортга бўлган меҳру муҳаббатини, иштиёқини кучайтираяпти.

— Универсиадада спортнинг белбоғли кураш тури бўйича баҳсларда иштирок этаман, — дейди эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби, Бухоро вилояти терма жамоаси аъзоси Субҳон Тошпўлатов. — Жамоамиз сафида Бахшулла Жўраев, Шоҳруҳ Тошев сингари маҳоратли ёш полвонлар бор. Мақсадимиз — вилоятимиз терма жамоасининг кучли учликка киришига муносиб ҳисса қўшиш.

...6 июнь. Бухоро шаҳридаги кўркам “Бухоро” стадионида байрам шукуҳи ҳукмрон. Чорлов мусиқаси янграйди. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар терма жамоалари кириб келади. Тантанавор саф тортган спортчилар олдидан Ўзбекистон Республикаси ва Универсиада спорт ўйинлари байроқлари олиб ўтилади.

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов “Универсиада — 2013” спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз табриги гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Спортчи талаба-ёшлар, маросим қатнашчиси бўлган мезбон ва меҳмонлар мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида оламшумул ишлар қилинаётганини яна бир бор юракдан ҳис этдилар. Кўнгиллар фахру ифтихор туйғусига тўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, мамлакатимиз байроғи ҳамда “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари байроғи кўтарилди. Спортчи ёшлар бўлажак баҳсларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб боришга тантанали сўз бердилар.

Минглаб нигоҳлар майдонга тантанали тарзда олиб кирилаётган “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари машъаласига қаратилди. У анъанага мувофиқ, Паркентдаги Ўзбекистон Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг махсус қуёш ўчоғида аланга олдирилди. Машъала Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ташкил этилган махсус автомобиллар кортежи ҳамроҳлигида Бухоро шаҳрига етказиб келинди. Машъала олиб ўтилган ҳар бир ҳудуд аҳолиси бу ҳаяжонли ва унутилмас онларнинг гувоҳи бўлиш мақсадида пешвоз чиқиб, қўлларида байрам руҳини акс эттирувчи шиорлар, байроқлар билан олқишлаб туришди.

Талаба-ёшларнинг “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари машъаласини таниқли спортчилар дзюдо бўйича икки карра ёзги Олимпиада ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, “Универсиада — 2010” ғолиби Ришод Собиров ва бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ҳуснияbону Ғуломова ёқди.

Бу ҳаяжонли лаҳзалар стадионга тўпланган йигирма минг нафардан зиёд томошабин қалбига олам-олам қувонч улашди. Олқишлар янгради. Барча бир тану жон бўлиб спортчиларга омад тилади.

Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар томонидан катта концерт намойиш этилди. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди.

“Универсиада — 2013” спорт ўйинларининг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”-ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Хўжалик процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига ва мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” деб номланган маърузасида кўрсатиб ўтилган 2013 йилдаги иқтисодий дастурларнинг лари маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам қонун лойиҳасида белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ, бўш иш ўринлари мавжуд бўлганда меҳнат бўйича маҳаллий органлар йўлланмасига эга шахсни ишга қабул қилишни асоссиз рад қилганлик мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади.

Иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш аҳоли турмуш даражасини амалда ва жиддий равишда оширишнинг асосий омили сифатида партия сиёсатининг стратегик вазифаларидан биридир, деб ҳисоблайди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси. Мазкур қонун лойиҳаси бўйича киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга, товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарлар ва хизматлар сифати учун, яроқлилик муддати тугаган товарларни яроқлилик муддатини кўрсатмай реализация қилганлик ва сотганлик учун жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Ушбу фракциянинг фикрича, белгиланаётган кучайтирилган жавобгарлик чоралари маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида мансабдор шахслар томонидан маҳаллий истеъмолчига ва жамиятга улкан зарар етказадиган тегишли маъмурий қоидабузарлик содир этилишигагина тааллуқлидир.

Умуман олганда, фракция қонун лойиҳасида назарда тутилган тайёрловчиларнинг (бажарувчилар, сотувчиларнинг), яъни юридик шахсларнинг молиявий жавобгарлиги чораларини бекор қилиш нормаларини аниқлаштириш тарафдоридир. Қонун лойиҳасида мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини ошириш таклиф этилмоқда. Бу тегишли юридик шахсларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси қонун лойиҳаси халқ фаровонлигини янада яхшилашга, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади, деган нуқтаи назарга асосланди. Чунончи, қонун лойиҳаси ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан (турар-жойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотлар, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданий-кўнгилочар ва бошқа муассасалардан) тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликни кучайтиради. Буларнинг барчаси партиянинг “Қонунлар устувор жойда адолат бўлади”, деган шиорига тўлиқ жавоб беради.

Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларини бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки аниқ айбдор мансабдор шахслар жавоб беришини назарда тутадиган адолатлироқ тартиб жорий этилмоқда. Бу тадбиркорлик субъектларига ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби билан жарималар тўлаш тарзидаги ортиқча сарф-харажатлар қилишнинг олдини олиш, шу билан юридик шахслар мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини беради. Бунда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилмоқда ва юридик шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари (фаолиятни, лицензияни тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ҳоказолар) сақлаб қолинмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида божхона назоратининг охирги муддатини уч йил билан чеклайдиган ҳамда товарлар ишлаб чиқарилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлайдиган норма жорий этиш назарда тутилган. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тегишинча равишда бузганлик учун реклама берувчилар, реклама ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларни чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”-ги Фармонига мувофиқ, ишлаб чиқилган “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳужжатда умумқабул қилинган халқаро талаблар ва андозаларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Уй-жой кодексларидан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлардан, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан “аспирантура” тушунчасини чиқариб ташлаш, “докторантура” тушунчасини эса “катта илмий ходим-изланувчилар институти” тушунчаси билан, “илмий даражалар” тушунчасини — “илмий даража” тушунчаси билан алмаштириш таклиф этилмоқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашга қаратилган “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кун тартибидаги кейинги масала бўлди.

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш, савдодаги техникавий тўсиқларни бартараф қилишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳалари ҳар томонлама моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ҳамда таклифлар билан сўзга чиқдилар.

Бугун депутатлар ўз ишини давом эттиради.

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишга кўмаклашиш ва унда фаол иштирок этиш жорий йилда партия ўз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. ЎзЛиДеП мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳитининг ҳолати қулай инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисмидир, деган қатъий нуқтаи назарга амал қилади.

Бу йўналишда ЎзЛиДеП фракцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини қонунчилик жиҳатидан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони талабларини амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳасида юридик шахслар учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш, айни бир вақтнинг ўзида такрорий қоидабузарлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини икки баравар ошириш, шунингдек, божхона назоратининг охирги муддатини уч йил билан чеклаш ҳамда товарлар божхона тозаловидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлашни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун лойиҳасидаги мазкур ва бошқа янгиликлар ЎзЛиДеП электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Чунки тадбиркорлик эркинлигини ва мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашни қонуний жиҳатдан таъминлайди.

ЎзХДП фракцияси вакиллари қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун давлат ҳокимияти органларининг жойларда иш ўринлари ташкил этишга доир қарорларини бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий маълумот олган ёки касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга юборилган, илгари маълум қилинган шахсларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда жавобгарликни кучайтиришга эътибор қаратдилар.

Қонуннинг бу талаблари бажарилмаган тақдирда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахс-

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

---

## ЭЪТИБОР

*Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу бино мамлакатимизда ўтаётган “Ҳар бир болага меҳр, эътибор!” ҳафталиги доирасида болажонлар учун махсус туҳфа бўлди.*

# Меҳр ва эъзоз тафти

Меҳрибонлик уйининг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Лола Каримова-Тиллаева мамлакатимизда фарзандлар тарбияси, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, Меҳрибонлик уйи биносининг мукаммал, жаҳон андозаларига мос равишда таъмирлангани ҳам ана шу эътибор самарасидир.

Ҳозир бу ерда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 100 нафардан зиёд бола тарбияланмоқда. Бутунлай янгича кўриниш касб этган муассаса кенг ва ёруғ ўқув хоналари, ётоқхоналар, шунингдек, спорт-соғломлаштириш мажмуаларига эга. Болаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини таъминлаш мақсадида тўгарак машғулотлари хоналари, кутубхона мавжуд. Эътиборли томони шундаки, Меҳрибонлик уйида оила муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қизлар уй-рўзғор тутиш, пазандалик сирларидан воқиф этилса, ўғил болалар дурадгорлик, электр асбоблари устачилиги билан шуғулланадилар.

Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан 18 та ўқув-тарбия муассасаси тўлиқ таъмирланди.

**Дилноза СОБИРОВА.**

---

# Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимот меҳмонлари мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар ҳамда республикамизда ўтказиб келинаётган нуфузли анжуман ва тадбирлар, шунингдек, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси сингари жамоат ташкилотларининг фаолияти билан ҳам яқиндан таништирилди.

**Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори вазифасини бажарувчи Ли Юнцюань** тақдимотдан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон — Хитой маданий алоқаларининг янада ривожланишини тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди. У Ўзбекистон заминидаги меъморий ёдгорликлар ва халқимиз бой маданий мероси ўлкамизнинг улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигидан далолат беришини таъкидлади. Шу ўринда Ли Юнцюань мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб боришлари учун катта имконият мавжудлигини қайд этди.

Мазкур институт директори ўринбосари **Сунь Ли** тақдимот “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан яқинда Пекинда ўтказилган “Ўзбекистон ва Хитой стратегик ҳамкорлиги” мавзуига бағишланган давра суҳбати ҳамда Мунозара клуби йиғилишининг мантиқий давоми бўлганини айтди. Сунь Ли таъкидлаганидек, тадбир йиғилганларга Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун ажойиб имкон яратди.

Тақдимот якунида Тошкентнинг XIX аср охиридан бошлаб ҳозирги давргача бўлган тарихини ўзида акс эттирган 400 дан зиёд фотосуратдан иборат “Тошкент: бир шаҳар тарихи” китоби ҳамда Франция, Италия ва ўзбекистонлик фоторассом, дизайнер, этнограф ҳамда адиблар томонидан тайёрланган “Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон” китоб-альбоми сингари ноёб нашрлар Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти кутубхонасига ҳадя қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

---

# Юксак маҳорат мактаби

*Маълумки, Президентимизнинг 2001 йил март ойида эълон қилинган ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга оид Фармони соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.*

## АНЖУМАН

Унга кўра, тизим фаолияти замон талаблари даражасида такомиллаштирилди. Айни чоғда соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур мактаб ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан уюштирилган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу хусусда атрофлича маълумот берилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, ўтган даврда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аввало, ушбу мактабнинг ўқув-лаборатория биноси, клуб, ўйингоҳ, ошхона, навбатчилик ва тиббий-санитария қисмлари ҳамда амалий ўқитиш кафедраси ишга туширилди. Бошқа ёрдамчи иншоотлар таъмирдан чиқарилди. Таълим-тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш, соҳага янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Ҳозирги кунда фанлар бўйича электрон маъруза матнлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар замонавий слайд, чизма ва диаграммалар билан бойитилмоқда. Электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Мактабда илгари, асосан, муҳандис-техник ходимлар тайёрланган бўлса, ҳозир замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, қурилиш материаллари ёнғин хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда юз берган ёнғинларни ўчиришда замонавий воситалардан самарали фойдалана оладиган кадрлар етишиб чиқмоқда. Айни чоғда бу борадаги муаммоларни комплекс тарзда ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар изчиллик билан давом эттирилаётир.

Анжуманда соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жалб этиш орқали ёнғин хавфини олдиндан аниқлаш ҳамда бартараф қилиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги

“Агробанк” томонидан ажратилаётган сармоялар ана шу эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда.

*Маълумки, банк тизими барқарор ривожланаётган давлатда иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар кутилган самарани беради. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ушбу тизим тубдан ислоҳ қилиниб, мукаммал инфратузилмага эга бўлган, тезкор ва ишончли фаолият юритувчи соҳага айлантирилди. Натижада у ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.*

Дарҳақиқат, юртимизда замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кредитлаш тизимидаги янгиланишлар, валюта ва нақд пул муомаласининг тартибга солиниши, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг замонавий механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларининг капиталлашуви ошиши, мижозларнинг унга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда. “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур банк томонидан капиталлашув даражасини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк ресурс базаси 2 трлн. 632 млрд. сўм, шундан жалб қилинган депозитлар 1 трлн. 284 млрд. сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан мос равишда 29 фоиз ва 9 фоизга ўсди.

Мижозлар учун қулай ҳамда икки томонлама манфаатли бўлган омонат турларининг жорий қилинаётгани, маблағлар биринчи талабдаёқ берилаётгани, айниқса, аҳолининг “Агробанк”ка бўлган ишончини ошираётир. Шу боис бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, биргина жорий йилнинг ўзида жисмоний шахслар учун 6 та, шундан 5 та миллий ва битта хорижий валютада янги омонат тури жорий қилинди. Уларга аҳолининг 43,9 млрд. сўмлик бўш пул маблағлари жалб этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27 фоиз зиёддир.

Шу билан бирга, муомалага чиқарилган депозит сертификатлари ҳисобидан 28,2 млрд. сўм жойлаштирилиб, қарз қимматли қоғозларига жалб қилинган маблағлар миқдори 92,5 млрд. сўмга етказилди ёки йил бошидагига нисбатан 115 фоизга ошди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари ҳақида гап кетганда, бунинг боиси ва омили, авваламбор, унга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётгани билан изоҳланади. Бинобарин, республикамизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу жараёнда “Агробанк” ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари 2 трлн. 79 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 303 млрд. сўмга ёки 122 фоизга ортди.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга эса 709 млрд. сўмдан ортиқ, шу жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан 348,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Инвестициявий кредитлар миқдори 101,8 млрд. сўмни ташкил этиб, бу борада 23 фоиз ўсишга эришилди.

Банк кредитларининг 21 фоизи саноат, 63 фоизи қишлоқ хўжалиги, 5 фоизи моддий-техник таъминотга, 11 фоизи эса қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган 1966-сонли қарори банкнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштиришга замин яратди. Мазкур ҳужжатда 2013 — 2014 йилларда “Агробанк” устав капиталини 123,8 млрд. сўмга ошириш орқали 250 млрд. сўмга етказиш белгилаб берилган. Бу, ўз навбатида, “Агробанк” томонидан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирлардаги иштирокини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, банк фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланмиш “Мудис” ҳамда “Фитч Рейтингс” компаниялари томонидан “барқарор” деб баҳолаб келинмоқда. Шунингдек, миллий рейтинг агентлиги ҳисобланмиш “Ahbor-Reyting” томонидан “Агробанк”нинг фаолияти натижалари миллий кўрсаткичлар бўйича энг юқори “uzA+” “Барқарор” прогнози билан баҳолангани ҳам диққатга сазовор.

## Аграр соҳани ривожлантириш — устувор вазифа

Биласиз, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Кейинги йилларда уни янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 22 октябрда имзоланган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар соҳа ривожида сифат жиҳатдан янги саҳифа очди. Негаки, унга асосан, тармоққа замонавий технологияларни жалб этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, консалтинг марказлари, шунингдек, кооперациянинг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият берилаяпти. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришга даъват этилган “Агробанк” зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил мобайнида кўп тармоқли фермер хўжаликларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 140 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар фермер хўжаликларида чорвачиликни ташкил қилиш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Шунингдек, унинг салмоқли қисми интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, картошка ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштириш, иссиқхоналар бунёд этишга сарфланди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш комплексларини ташкил этишга қаратилган инвестициявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун эса 5,6 млрд. сўмлик банк кредитлари йўналтирилди. Шу билан бирга, 44,3 млрд. сўм ғаллани қўшимча озиқлантириш учун минерал ўғитлар сотиб олишга сарфланган бўлса, 34,1 млрд. сўм қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника ва агрегатларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга ишлатилди. Натижада фермерлар 184 та ҳайдов ва чопиқ трактори, ғалла ўриш комбайни, 336 та турли қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегат харид қилиб, ўз моддий-техник базаларини мустаҳкамладилар.

Чиндан ҳам, “Агробанк” ўз фаолияти давомида деҳқон ва фермерларнинг ишончли ҳамкори ҳамда яқин кўмакчисига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Биргина 2013 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили етиштириш бўйича агротехника тадбирларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 508 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, пахта тозалаш ва дон корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш, замонавий технологик ускуналар ўрнатиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмаҳсулот” компанияси тизимидаги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш учун 119 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Шундан 51,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ тизим корхоналари қошида пиллахона ва қуртхоналар қурилишига сарфлангани эътиборга лойиқ. “Ўздонмаҳсулот” компанияси корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш учун эса 55,1 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилди.



Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида эса 26 та “Давсувмахсуспудрат” унитар корхонасига 1,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Кези келганда, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларга молиявий кўмак бериш, улар ўртасидаги дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини қисқартириш мақсадида 221 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани ҳолда, факторинг хизматлари кўрсатилганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

## Инвестиция ва янги имкониятлар

Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича яратилган тизим қолоқликка юз тутган ишлаб чиқариш субъектларини қайта оёққа турғизиш баробарида, қўшимча иш жойлари яратишда янги имкониятлар эшигини очиб бераётир. Пировардида ҳудудлар саноат салоҳияти юксалиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги таъминланаётир. Шу боис банкнинг бу борадаги фаолияти ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Тегишли дастурга асосан, 2013 йилда иқтисодий ночор, камқувватли ҳамда фаолияти тўхтаб қолган корхоналарни молиявий соғломлаштириш учун 129 та мижозга 35,8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган эди.

Ҳозиргача 15 млрд. сўмлик кредит йўналтирилиб, 84 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг ҳисобига корхоналарда 657 та иш ўрни ташкил қилиниб, йилига 4,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имконияти яратилди.

Бугунги кунга қадар 14 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлса, уларнинг 1,7 млрд. сўм миқдорида банкротлик жараёни билан боғлиқ бўлган навбатдан ташқари тўловлари тўлаб берилди. Шундан сўнг ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш мақсадида реконструкция ва модернизация қилиш учун жами 36,6 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилди. Амалга оширилган ишлар натижасида банкрот корхоналар негизида 7,8 минг тонна озиқ-овқат ва 905 тонна тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, 55 млн. дц. кв. терини қайта ишловчи ва қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи корхоналар барпо этилди. Айни пайтда ушбу корхоналарда 45 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 15,4 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилингани қувонарлидир.

Фаолияти тикланган 13 та корхона жами 61,3 млрд. сўмга баҳоланиб, босқичма-босқич тўлаш шарти билан 65,7 млрд. сўмга салоҳиятли инвесторларга сотилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, 2013 — 2015 йилларда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадларига шу йил охирига қадар банк томонидан 266 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган. Бу эса кўплаб лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, жорий йил давомида банк томонидан 72,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 610 та лойиҳа молиялаштирилди. Бу, ўз навбатида, 2,7 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлади. Мазкур лойиҳаларнинг 80 таси озиқ-овқат, 47 таси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 86 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, 27 таси эса қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга йўналтирилгани, айниқса, аҳамиятлидир.

2013 йилги инвестиция дастурига асосан, умумий қиймати 12 млрд. сўмга тенг бўлган 17 та лойиҳа банк кўмаги билан рўёбга чиқарилиши белгилаб берилган. Бундан ташқари, яна 7 та лойиҳани молиялаштириш учун уларнинг смета ва кредит ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Банк томонидан шу каби инвестициявий лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилиб, белгиланган муддатларда фаолияти йўлга қўйилишида, айтиш мумкинки, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани айни муддао бўлаётир. Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси, “Азия инвест банк” ва “Промсвязбанк” (Россия) каби қатор хорижий молия ташкилотлари шулар жумласига киради. Ўтган давр ичида эса уларнинг 91,1 млн. АҚШ доллари, 7 млн. евро миқдоридаги кредит линиялари жалб қилинди.

## Ҳаётбахш дастур самаралари

Президентимиз томонидан 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб номланиши, шу асосда Давлат дастури қабул қилингани аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида изчил амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириб юборди. Негаки, мазкур дастур доирасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Бу жараёнда “Агробанк” ўзининг замонавий хизматлари билан муносиб иштирок этаётир. Буни биргина кичик бизнес субъектларига 236,5 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 4,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани, пировардида 16 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилгани тасдиқлаб турибди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг ижроси юзасидан 2013 йилнинг ўтган даври давомида 2,1 мингдан ошиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун банк томонидан 82,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, чорвачиликка 31,1 млрд. сўм, паррандачиликка 7,2 млрд. сўм, балиқчиликка 2,8 млрд. сўм, асаларичиликка 1,8 млрд. сўм маблағ сарфланди. Ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорларни ташкил этишга 9,2 млрд. сўм, иссиқхоналарни ривожлантиришга 9,5 млрд. сўм ҳамда полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга 13,6 млрд. сўм йўналтирилди. 6,9 млрд. сўмлик кредит эвазига эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳалар амалга оширилди.

Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтиришда чорвачиликнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу жиҳат инобатга олинган ҳолда, айнан шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ташкил қилишга 3,6 млрд. сўм, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг уй-рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга кўмаклашиш масаласи ҳам банкнинг диққат марказида. Бунда 46,1 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан 34,8 млрд. сўми маиший техника ва бошқа жиҳозлар сотиб олишга, 5,2 млн. сўми ўқув-шартнома тўловларини тўлашга йўналтирилгани айни муддао бўлди. Қолаверса, уй-жой сотиб олиш учун аҳолига 3,2 млрд. сўм, шу жумладан, ёш оилаларга 2,3 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Мамлакатимизда ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бири эканлиги барчага равшан. Битирувчиларни бизнесга жалб этиш, уларнинг эзгу ғояларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бунинг энг самарали йўлларидан биридир. Шунинг учун ҳам, банк 2013 йилнинг ўтган даврида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этишлари учун 6,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиб, белгиланган параметрни 116 фоизга бажарди. Шунинг ҳисобига 1000 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.

Бу борадаги юмушлар изчил давом эттирилиб, банк томонидан жорий йилда 14 та касб-ҳунар коллежининг битирувчилари бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти. Унга кўра, касб-ҳунар коллежларида туман ҳокимлиги, иш берувчи корхона раҳбарлари ҳамда битирувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида турли учрашувлар ўтказилаётгани 4748 нафар йигит-қизнинг ўз иш жойига эга бўлиши учун кенг йўл очмоқда.

## Мижозлар учун қулайликлар

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш борасида “Агробанк” томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Негаки, шу мақсадда ўрнатилган терминаллар сони 20 мингтага, тарқатилган пластик карточкалар сони 2 миллион 132 мингтага етказилиб, йил бошидагига нисбатан 164 мингтадан ошди.

Пласткарталарга жалб қилинган маблағлар 2012 йил 1 июнь ҳолатидагига нисбатан мос равишда 141 фоизга кўпайгани ҳам кузатилгани қувонарли ҳол, албатта. Банк томонидан, шунингдек, “он-лайн” режимида ишловчи пластик карталар тизимини ривожлантириш мақсадида 368 мингта карта муомалага чиқарилди ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган терминалларга модем қурилмалари ўрнатилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш йўлида изланишлар давом эттирилиб, банкнинг барча филиалларида 190 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари тармоғи ташкил этилди. Улар орқали 10 турдаги ўтказмалар таклиф қилиниб, 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 213,6 млн. АҚШ доллари миқдорида пул ўтказмалари амалга оширилди ва амалиётлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2 баробарга ортди.

Шу ўринда жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқаро банк картасидан фойдаланган ҳолда сотишни амалга ошириш бўйича 40 та конверсион операциялар бўлими ташкил қилинганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва қулайликлар яратиш мақсадида эса “Интернет банкинг”, “СМС-банкинг” хизмат турлари жорий этилган бўлиб, улардан бугунги кунда доимий фойдаланувчи юридик шахс мақомидаги мижозлар сони 2 мингдан ошди.

Айни чоғда “CLICK” компаниясининг интернет ҳамда мобиль алоқа воситалари орқали масофавий тўловларни амалга ошириш хизматини йўлга қўйиш мақсадида тегишли техник қурилмалар ўрнатилиб, дастурий таъминотлар ишлаб чиқилди.

Кўриниб турибдики, “Агробанк” ўзининг самарали иш фаолияти билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банк жамоаси бундан кейин ҳам “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, мижозларининг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкори бўлиш учун астойдил меҳнат қилаверади.

**Мирзоҳид ҲАБИБОВ.**

Реклама ўрнида



## ҚАРОР ВА ИЖРО

*Мамлакатимизда бугунги кунда ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтиёжни қондириш, мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майда қабул қилинган "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# «Коллеж — корхона» ҳамкорлиги



### битирувчиларнинг аниқ иш жойига эга бўлишларида муҳим омил бўлмоқда

**А**йни пайтда мазкур қарорга мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам мактабнинг 9-синф битирувчиларини коллеж ва лицейларга қамраб олиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тамомлаётганларни эса ишга жойлаштириш масаласига амалий ёндашилмоқда.

Хусусан, жорий ўқув йилида вилоятдаги 158 та касб-ҳунар коллежини 102 йўналиш бўйича 60 минг 794 нафар ўқувчи битирган. Улар ҳозир "Коллеж — корхона" ҳамкорлиги асосида муқим иш жойига эга бўлишмоқда. Коллежда олган сабоқларини амалиёт даврида корхона ва ташкилотларда синаб кўрган ёшлар эса ишлаб чиқаришда кўникма ҳосил қилишмоқда.

Масалан, биргина Пастдарғом туманидаги педагогика ва спорт коллежини олайлик. 2008 йилда ташкил этилган ушбу ўқув муассасасида таълим-тарбия ҳамда касбга ўргатиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Коллежда "Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар", "Мактабгача таълим", "Бошланғич таълим", "Либослар дизайни", "Жисмоний тарбия ва болалар спорти", "Мусиқа", "Архившунослик" каби йўналишларда 1746 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Энг муҳими, жорий йилда мазкур маскандан учирма бўлаётган 175 нафар ўқувчининг аксарияти аниқ иш жойига эга бўлса, қолганлари таҳсилни давом эттириш ниятида.

— Ортда қолган ўқув йилида коллежимиз ўқувчилари туман, вилоят миқёсида кўплаб ютуқларга эришди, — дейди коллеж директори Нигора Саъдинова. — Иқтидорлилари эса республика даражасидаги танловларда қатнашиб, ўзларининг бор билим ва салоҳиятларини намойиш этишди. Ҳудудий касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган 2-тур олимпиадада ўқувчиларимиз ғолибликка эришиб, вилоят босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Ислом Гаппаров тарих, Маҳзуна Раббимова она тили ва адабиёти фанларидан олимпиаданинг республика босқичида фаол қатнашдилар. Шу кунларда коллежимизнинг 611 нафар битирувчисини ишга жойлаштиришга қизғин киришганмиз. Жумладан, улардан 100 нафари банклардан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган бўлса, қолганлари тумандаги турли корхона ва ташкилотлар билан тузилган уч томонлама шартномага мувофиқ иш бошлашаяпти. Ҳамкор ташкилотлар, фермер хўжаликлари, турли идораларда меҳнат қилаётган йигит-қизларимиз ўз ишларидан мамнун.

Чиндан ҳам, мазкур ўқув муассасасида таълим-тарбия олган ёшларнинг ўзларини тутишлари, ўқишга, ишга муносабатлари ҳавас қилгулик даражада. Бунга эришишда коллеж ўқитувчиларининг меҳнати беқиёс. Сўз ва амал уйғунлиги ўқувчида катта таассурот қолдириши, у бундан тегишли хулоса чиқариши, табиий. Шу маънода, коллежнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Элзара Умированинг 72 кг. вазн тоифасида самбо бўйича жорий йилнинг 4-6 февраль кунлари ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ашхобод шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида худди шу вазнда 1-ўринни қўлга киритгани келгусида спорт мураббийлигини орзу қилган ёшлар қалбини жўш урдиргани бежиз эмас.

— Ўзим спорт билан мунтазам шуғулланганим боис, машғулотлар пайтида умуман қийналмайман, — дейди ёш ўқитувчи Э. Умирова. — Шу билан бирга, дарс пайтида уқтирган сабоқларни амалиётда исботлаш учун ҳам мураббий-устознинг ўзи тинмай изланиши керак, деб ўйлайман. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтганда, бугун битирувчи шогирдларимизга талаб катта. Коллеж ва лицейлардан, турли спорт секцияларидан келишиб, мана бу ўқувчингиз бизда ишлайди, фалончи қизингиз қизларимизга бадиий гимнастикадан дарс беришини истаймиз, деганлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай муносабат бир мураббий сифатида нафақат мени, қолаверса, жамоамизнинг ҳар бир аъзосини беҳад қувонтиради, албатта.

**К**оллежда спортдан ташқари фан, касбий ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳам ташкил этилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг ахборот-ресурс марказидан фойдаланишлари учун тўлиқ шароит яратилган. Бу эса навқирон авлоднинг билимини мустаҳкамлабгина қолмай, уларнинг келгусида малакали мутахассис сифатида шаклланишларида ҳам асқотиши, шубҳасиз.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## САЛОМАТЛИК

# Муруввватдан баҳраманд диллар

*Пойтахтимизда "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Smile Train" (Ҳиндистон) халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда "Болаларга табассум ҳадя қил" мавзуида тадбир уюштирилди.*

Тадбир доирасида юртимизга хориждан ташриф буюрган шифокорлар туғма лаб-танглай нуқсонли болаларда пластик жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Бундан ташқари, улар юртимиздаги ёш шифокорлар учун маҳорат дарсларидан сабоқ беришди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, бу йўналишдаги меҳр-мурувват акцияси "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан иккинчи марта ташкил этилмоқда. Худди шундай акция ўтган йили Андижон вилоятида бўлиб ўтган эди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**



# Болажонларга беқиёс туҳфа

Ёзнинг жазирама кунлари бошланди. Бундай паллада кўнгил беихтиёр шовқин-сурондан холи, соя-салқин гўшаларни, баҳаво манзилларни тусайди. Айниқса, кичкинтойлар учун шундай масканларда мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришнинг гашти ўзгача. Мамлакатимизда янги ташкил этилган "Болажон" истироҳат боғи айнан шу жиҳатлари билан барчага манзур бўлмоқда.

## ҒАМХЎРЛИК

Бугунги кунда пойтахтимизда ўн иккита маданият ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида мазкур масканларни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимиз марказида замонавий қулайликларга эга янги истироҳат боғининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи шохобчаси ҳисобланган ва қарийб беш гектар майдонни эгаллаган боғда уч мингдан кўпроқ манзарали дарахт мавжуд. Сўлим гулзору яшил майсазорлар, мусиқали фавворалар боғнинг кўркига кўрк қўшиши билан бир қаторда, ёзда ҳарорат мўътадиллигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Боғнинг "Болажон" деб номланиши бежиз эмас. Негаки, бу ерда болакайлар учун турли аттракционлар, чунончи, "Занжирли арғимчоқ", "Қуёшча", "Поездча", "Болалар шаҳарчаси" ва "Эртаклар майдончаси" ҳам барпо этилган. Қолаверса, шахмат, шашка, стол тенниси билан шуғулланиш имконияти ҳам мавжуд.

— Биз бу ерга тез-тез келиб турамиз, — дейди пойтахтимиздаги 17-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Хосият Ибодуллаева. — Бугун эса ойим синглим иккимизни олиб келдилар. Аттракционларда учдик, музқаймоқ едик, фаввора атрофида ўйнадик. Мана, энди салқинда китоб ўқиб ўтирибмиз. Боғ бизга жудаям ёқди.

Тез орада истироҳат боғи ҳудудида аҳолининг маданий дам олиши учун қўшимча қулайликлар яратиш, хусусан, бир қатор замонавий аттракционлар ўрнатиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Қолаверса, боғни оилаларнинг севимли дам олиш масканига айлантириш, болалар ва ёшлар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, хайрия акциялари ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Болаларнинг ёзги таътили бошланиши билан "Болажон" янада жонлангандек бўлди. Энди пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари фарзандлари билан ушбу сўлим боғда сайру саёҳат қилишлари, дам олишлари, энг асосийси, ёз чилласида баҳорнинг илиқ ҳавосини туйиб, чинакамига ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**Бахтиёр АКРАМОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Гимнастикачиларимиз муваффақияти

*Пойтахтимизда давом этаётган бадиий гимнастика бўйича "Happy Caravan" халқаро турнирининг гуруҳ кўп кураш баҳсларида ўзбекистонлик спортчилар олтин ва бронза медалларини қўлга киритдилар.*

## БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Жумладан, терма жамоамиз аъзолари Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гўзал Раиманова, Сабрина Рамазонова, Карина Тоғаева ва Ирина Салеҳдан иборат гуруҳ ҳалқа ўйнатиш бўйича 14,65 балл, булавада 15,5 балл тўплаб, мусобақа ғолибига айланди.



Ушбу йўналишдаги беллашувлар якунида қозоғистонлик спортчилар кумуш, Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳимиз бронза медали билан тақдирланди.

Турнирнинг жамоавий баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Чунки мусобақа қоидасига биноан, совринли ўринлар ҳар бир жамоа спортчиларининг ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарган композициялари бўйича жамғарган балларига кўра аниқланади. Шу боис ҳамюртларимиздан Равиля Фарҳуддинова, Комила Саидхонова, Нилуфар Шомуродова ва Анора Давлатовага кумуш медаль топширилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ораста қизлар сараланди

*Урганч шаҳрида "Ораста қизлар" кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.*

## ТАНЛОВ

Тадбирда шаҳар, туманлардан танлаб олинган 12 нафар қиз учта шарт бўйича беллашди. Иштирокчи қизлар ўз фаолиятидаги ютуқларни слайдлар орқали намойиш қилишди. Ўз навбатида, уларнинг ақли, одоб-ахлоқи, зеҳни, чаққон ва зукколиги алоҳида эътиборга олинди.

**Ирода НАБИЕВА.**


● Реклама ва эълонлар ●

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Тошкент вилояти бўлими**

**банк биносини совуқ ҳаво билан таъминловчи, 450-500 кВт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «ЧИЛЛЕР» ускунасини сотиб олиш учун тендер танлови ўтказилишини эълон қилади.**

**Тендер таклифларини қабул қилиш — таклифлар шаклидан қатъи назар (почта орқали ёки банкка келиб), ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни давомида соат 17.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этилади:**

**Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент вилояти бўлими.**

***Телефонлар: (8-371) 252-77-20, 252-77-21, 252-77-12.***

**Мулоқот учун шахс — Ниғматов Фарҳод Саидаҳматович.**

903А/382

***Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш корхона, фирма ва компаниялари диққатига!***

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарур дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олиш учун тендер (танлов) савдоси ўтказилишини эълон қилади.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг манзили:**

Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 43-уй.
Тел./факс: (8-367) 225-05-33, 225-00-37, 225-33-76, 225-27-36, 225-47-69, 225-44-77.

**Банк реквизитлари:**

Сирдарё вилояти Ғазначилик бошқармаси, х/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, Марказий банк ББХККМ Тошкент ш., МФО: 00014, ш/х: 100021860244017072130054002, СТИР: 202419324, ОКОНХ: 97400.

**Тендер (танлов) предмети.**

***Қуйидаги лотлар бўйича маҳсулотларни етказиб бериш:***

* **I-лот** — шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори воситалари (рўйхат бўйича);
* **2-лот** — реактивлар;
* **3-лот** — тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган маҳсулотларнинг юқори нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари:**

— барча етказиб берувчилар учун: ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

**Етказиб бериш муддатлари** — тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) тўлови шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгачани ташкил этади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

***Тендер (танлов) қайтадан ташкил этилиши муносабати билан таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 10 июнь соат 17.00 (маҳаллий вақт билан)гача.***

**Тендер (танлов) савдоси шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**

***Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.***

911А/527

*Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!*

**«ЎЗБЕКИСТОН»**
**ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**сизларни Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизни тиклаб олишга таклиф қилади.**



**Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов к., 65-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-55-18, 232-13-67, 233-64-92.**

910R/512


Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси "Умид гулшани" санаторийси директори Дилором Махамадалиевага турмуш ўртоғи

**Илёсхон МАХАМАДАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5